

Ибадулла Самандарович Байджанов
Мақсуд Бектурдиевич Сетмаматов



АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИ

(Ўқув қўлланма) Биринчи қисм

Мақсуд Бектурдиевич Сетмаматов Ибадулла Самандарович Байджанов Архитектура назарияси. Ўқув қўлланма. Биринчи қисм

http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=56951918

ISBN 9785005115829

Аннотация

Ушбу қўлланма талабаларда архитектура ва шаҳарсозлик назарияси бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришга катта ёрдам беради. Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, архитектура ютуқлари, архитектура жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашни шакллантириш вазифаларини ҳам ўзида ифода этган Қўлланма «Архитектура» мутахассисликлари бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистрларга ва кенг доирадаги китобхонларга мўлжалланган

Содержание

Такризчилар	5
«Архитектура назарияси» (биринчи қисм)	7
Сўз боши	9
Кириш	11
Архитектура назарияси	16
Қадимги шарқ архитектура назарияси	24
Қадимги юнон назарияси. Гипподам	53
Эллинизм даври назарияси. Афлотун	64
Конец ознакомительного фрагмента.	72

**Архитектура назарияси
Ўқув қўлланма.
Биринчи қисм**

**Ибадулла Самандарович
Байджанов
Мақсуд Бектурдиевич
Сетмаматов**

© Ибадулла Самандарович Байджанов, 2020

© Мақсуд Бектурдиевич Сетмаматов, 2020

ISBN 978-5-0051-1582-9

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

Такризчилар

Ўролов А. С. Архитектура фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат архитектура -қурилиш институти-нинг Архитектура асослари кафедрасининг мудири

Ахмедов Қ. Техника фанлари номзоди, Урганч давлат университетининг қурилиш ва архитектура кафедраси до-
центи

Байджанов И. С., Сетмаматов М. Б.

«Архитектура назарияси»

(Ўқув қўлланма)

Биринчи қисм

Аннотация:

Ушбу қўлланма талабаларда архитектура ва шаҳарсозлик назарияси бўйича йўналиш профилига мос билим, кўник-
ма ва малака шакллантиришга катта ёрдам беради. Ушбу
мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар,
амалий кўникмалар, архитектура ютуқлари, архитектура жа-
раёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашни ша-
кллантириш вазифаларини ҳам ўзида ифода этган

Ўқув қўлланма «Шаҳарсозлик назарияси», “ Ўрта Осиё
архитектураси тарихи» бўлимлари билан ҳам боғлиқ бўлиб,
«Архитектура тарихи» фанидан олган билим, кўникма ва

малакаларини янада чуқурлаштириш имконини беради.

Қўлланма «Архитектура» мутахассисликлари бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистрларга ҳамда архитектура тарихи назарияси билан қизиқувчи профессор-ўқитувчилар, архитекторлар, мутахассислар ва кенг доирадаги китобхонларга мўлжалланган

2020 йил

«Архитектура назарияси» (биринчи қисм)



Байджанов И.С.
Архитектура номзоди
Фахрий Фан Доктори
Профессор



Сетмаматов М.Б.

Архитектура фанлари намзоди, доцент,
Урганч давлат университетининг
қурилиш ва архитектура кафедраси
мудири

Сўз боши

Ушбу ўқув қўлланма талабаларга архитектура назарияси фанини ўқитиш жараёнида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ва бадиий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги, архитектура ва санъатдаги назария тўғрисида билимларга эга бўлишлари, қадимги Шарқ, Антик дунё, Ўрта асрлар, Уйғониш даври архитектурасидан бошлаб XX-асргача, айниқса асосий урғуни Ўрта Осиё санъатининг ибтидоий даврдан бошлаб истиқлол йилларигача бўлган даврдаги назарий услублар, йўналишларни ажрата олиш бўйича кўникмаларга эга бўлишларини ўзида ифода этади

Қўлланма шунингдек Барокко даври, Классицизм, XVIII—XX асрлар Францияда Виолле-ле-Дюк, Англияда Говард, Германияда Земпер, Россияда Баженов, Жолтовский, И. Грабарь, яна Францияда Ле-Корбюзье, ва бошқа таниқли архитектура соҳасида ижод қилган олимлар Б. Засыпкин, М. Булатов, П. Зоҳидов, К. Крюковларни шу давр назарияси борасидаги қарашлари ифодасини топган.

Архитектура ва шаҳарсозликдаги муҳим тарихий ютуқлар, усуллар ва услублар йўналишларини, уларнинг қайси, давр, ҳудудга мансублигини, меъморий жиҳатларини, маданий мерос ва анъаналарини назарий жиҳатдан фарқлай олиш, архитектура ва шаҳарсозлик назарияси каби малакаларга эга бўлишлари назарга олинган.

Ушбу қўлланмада берилаётган расмлар расм ости изоҳлар китоблардан, республикамиз ва хорижий давлатларда чоп этилган янги даврий нашрлардан олинди ва муаллифларнинг шахсий архивидан келтирилган фото ва чизмалари билан тўлдирилди.

Қўлланмага ижобий тақриз ёзган Самарканд давлат архитектура-қурилиш институтнинг “ Архитектура асослари кафедрасининг мудир, меъморчилик фанлари доктори, профессор А.С.Ўроловга шунингдек Урганч давлат университетининг қурилиш ва архитектура кафедраси доценти техника фанлари номзоди Қ. Ахмедовга, нашрнинг компьютер графикаси ва дизайнини бажарган М.И.Самандаровга, шунингдек қўлланмани компьютерда терган З. Сапаевага чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Кириш

Жаҳон меъморчилиги тарихи назариясини ўрганиш унинг тараққиёт қонунларини текшириш, нодир ёдгорликлар билан одамларининг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш лойиҳавий-эстетик қарашларининг шаклланишини билиш демакдир, бу сўзсиз инсонга ҳаётий тажрибаларни бойитишга, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндашишга ёрдам беради.

Бўлғуси меъморлар учун меъморчилик тарихи назариясини ўрганиш, билиш жуда муҳим омиллардан биридир.

Архитектура назарияси фанини аниқлашда, меъморчилик ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, инсоният тараққиётининг дастлабки даврларидан бошлаб ўрганилади.

Архитектура бу грекча сўз бўлиб – «бош қурувчи» – бинони қуриш санъати, ҳамда мажмуаларни жамият талабларига нафақат амалий хизмат, балки, бадиий-ғоявий жиҳатдан уйғунлигини ҳал қилиши керак.

Бино ва иншоотларни қурилишида рухсат берилган амалий, энг содда мақсадларни бевосита бадиий ижодий уйғунлик билан бирга ҳал қилиниши керак.

Архитектура иншоотлари жамият маданиятининг бир бўлаги бўлиши билан бирга, у санъат асари ҳамдир.

Шундай қилиб, архитектура инсоният тараққиётининг бир тури бўлиб, уни оддий қурилиш иши билан чегаралаб

бўлмайди, лекин уни фақат бадиий ижод тури деб ҳам бўлмайди.

Ҳар бир даврда архитектура тушунчаси турлича талқин этилган. Рим меъмори Витрувий классик формуласи бўйича меъморчилик иншоотининг асосий сифатини қуйидагича белгилаган: *мустаҳкамлик, фойда ва чиройлилик*.

Витрувий бу таълимотида шуни талаб қилганки, бионинг форма ва композицияси инсониятнинг энг керакли талабларига, халқ анъаналарига, ўша жой иқлимига, халқ урф-одатларига, мослаштиришдан иборат.

Феодализмнинг эрта даврларида архитектура тушунчаси бир оз торайди, унинг вазифаларига асосан қаъла, ибодатхона, қўрғонлар қурилиши билан чегараланади.

Меъморчилик иншоотлари инсониятнинг тафаккури ҳамда қарашларига асосий таъсирини ўтказди.

Инсон бинога қараб, унинг енгиллиги ёки оғирлигини бежиримлиги ёки қўполлигини паст ва баландлигини, яхлитлигини ва композициясининг аниқлиги, унинг формаларининг бўлакларини ҳис эта олади ва ўзи шундан таъсирланади.

Инсон бинога кириб, уни ички фазовий кенглигини, маҳобатли равоқлар, баланд гумбаз, юксак бадиий ишлов берилган сталактиталар, ўз ўрнида бино характерига мос равишда ишлатилганлигига ҳайратланади.

Асрлардан асрларга ўтган сайин меъморларга нисбатан бўлган талаб кучаяди.

Архитектуравий йўналишни ўрганиш кўпгина даврларда-ноқ сарой ва мақбарани, халқ турар жойларини ўрганишдан бошлашади. Сарой ва мақбаралар формаларидан уларнинг оддий асосидан ривожланишини топади.

Халқ санъатининг кучи унинг ўзига хос ёрқин характерли топилмаларини тарихий монументал асарларда етказиб беради.

Бизнинг меросимиз деб қадимий архитектурани кўриб чиққанимизда биз унда прогрессив интилишларни кўрамиз.

Қадимги Мисрнинг пирамида ва Грециянинг мақбараларида «абдийлик» – ғоялари аниқ намоён бўлиб, қадимги Миср архитектурасидан монументал ғоялари фарқланади.

Миср мақбара пирамидалари фараонлар ҳокимиятининг абдийлиги билан бирга, уларнинг қулдорликни бошқариш демократияси мақбара композицияларида ва уларнинг шаклида, антогонистик равишда талқин этилади.

Миллий мустақиллик урушидан кейинги архитектура мазмунли бўлиб, миллийликнинг янги руҳий даври бошланишини кўрсатади.

Юқорида кўрсатилган архитектура иншоотларининг структура ва образлари инсон томонидан табиат қонунларини тан олинганини уларнинг ўз иншоотларига ёндаштирилганлар.

Шунинг учун архитектуранинг ривожланиш даври, инсон томонидан тинчликни ўзлаштириш поғонаси, бизга қимматли бўлган ашёлар архитектоник муҳитда яратилиб тугалла-

нади.

Шуни кўзда тутиш лозимки, архитектуранинг ҳар бир даври мустаҳкам характерли бўлишига қарамасдан, уйғониш даври усуллари шаклларда қўллаб, оз бўлса ҳам, янги вазифаларга, янги мазмун билан жавоб беришади.

Юз йил давомидаги архитектура ривожланишининг шакл ривожланишида, бир неча қонуниятларни ишлаб чиқди.

Архитектура тарихида ҳам мустаҳкам қонунчилик юзага келди. Қонунчиликнинг кўп қисми архитектуравий формаларни ўзгартирди, аммо уларнинг давомийлиги узоққа чўзилмаслиги характерли эди.

Аниқланган тарихий давр мобайнида, янги иқтисодий бадий, янгиликларга қамралган давр, эски даврни чеклантиради.

Бу ердан кўринадикки, архитектура илмининг вазифаси архитектуранинг ҳаётий прогрессив қадриятларини ўзлаштириб, ҳозирги даврга, халққа, мамлакатимизга мосланади.

Тарихий материализм қадимий ёдгорликларимизни тиришқоқлик билан архитектурани ўрганишга, шунингдек ҳар бир вақтни мутоносиблигини тўғри танлаш архитектура тарихи дарслигида турли даврлар ҳажмини тўғри ўзлаштириш лозим.

Антик архитектурани биз ўрганамиз ва бизнинг миллий меросимиз бунда кўпроқ халқ яратган қисмига эътибор қаратилади.

Архитектура тарихи бир томонлама ривожланиши билан

чегараланмаслиги лозим. Функционал қурилиш техник ғоявий бадий ва бошқалар.

Архитектура тарихи инсон фаолиятининг кўп қирралари ривожланиши жамиятнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда жамoa ривожланиши формалари архитектурасида ўз самарасини топади.

Архитектура тарихи назарияси фаннинг шундай хусусияти борки, унда уйғониш даври ўрганилади, турли тарихий даврларни юзага келиши ва ривожланиши архитектуранинг фақат маълум бир томонларини эмас, балки мураккаб, кўп қиррали, яъни диалектик бирлигини архитектурада намоён этади.

Архитектуравий жараённинг ривожланиши – эски услубларнинг янгилари билан қамраб олиниши, реал формаларга айлантирилиб утилитар ғоялар илгари сурилади.

Архитектура назарияси

Ибтидоий жамоа тузуми архитектураси.

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиёти тарихидаги энг биринчи ва узоқ давом этган босқичларидан ҳисобланади. Бу босқични ҳамма халқ ва элат ўз бошидан кечирадилар. Ана шу узоқ вақт давом этган тараққиёт жараёнида ҳозирги замон кишиси типи пайдо бўлди; одамлар жамоаси вужудга келди.

Ишлаб чиқариш кучларининг заифлиги одамларни коллектив бўлиб яшаш, меҳнат қилишга даъват этди. Улар қудрат бирликда эканлигини халқнинг илк босқичларида сездилар. Бу қудрат уларни табиат сирларини ўрганишга бошлади. Маданият ва санъат равнақиға замин яратди.

Ибтидоий жамоа тузуми санъати ва меъморчилиги тарихи одамзод тафаккури ҳис туйғуларини пайдо бўлиши ва ривожланишидан бошлаб ер юзида биринчи даврларининг юзага келишигача бўлган давр меъморчилигини ўз ичига олади, ўргатади ва таҳлил қилади. Ибтидоий жамоа тузумидан бизгача ашёвий далиллар-меҳнат ва ов қуроллари, уй-анжом ва безак буюмлари, одамлар яшаш манзил қолдиқлари этиб, келган шулар ибтидоий жамоа кишисининг эстетик ва диний қарашларини билишга, ибтидоий жамоанинг маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Тупроқ остида қолиб кетган маданий ёдгорликлар, одам ва ҳайвонлар жасадининг қолдиқлари ғор ва ертўла деворларига чизилган сурат ва бўртма тасвирлар ибтидоий жамоа даври тарихини ўрганишнинг муҳим манбаи ҳисобланади, архитектура қадим-қадимдан кишиларнинг меҳнати жараёнида юзага келди ва ривожланди.

Одамлар меҳнат жараёнида шакл туйғусини ҳис этиб, ритм, симметрия тушунчаларини ўзлаштира бошладилар. Улар меҳнат жараёнида табиат кучларини ўзларига бўйсундира бошладилар, ишлатилаётган буюмларнинг шакли бажарилаётган меҳнатларини осонлаштирилиши ёки камайтириш мумкинлигини тушундилар, қулай меҳнат қуролларини яратиш уларда ўз қуролларига нисбатан меҳр туйғуларини уйғота борди, улар ўз қуролларига безак бериш орқали ўз меҳрларини изҳор этишга ҳаракат қила бошладилар.

Одамларда қулайлилик фойдалилик тушунчаларининг юзага келиши воқеаликдаги, ҳаётдаги гўзаллик ва ҳурликларни ҳис этиш имконияти ривожлана бошлади.

Жаҳон маданияти тараққиёт оламига қадам қўйди, санъат, меъморчилигининг юзига келиши инсоннинг объектив вакиллиги тўғрисидаги билимларнинг чуқурлашишига, ўз авлоди тажрибаларидан баҳраманд бўлишига олиб келди, бу уни табиат кучларига қарши курашишга даъват этди, унинг ақлий камолоти эстетик, қарашлари ривожини жадаллаштирди. Бу даврда одамлар катта-катта тошларнинг панасида ғор ва ертўлаларда тўда-тўда бўлиб яшаганлар.

Бу ғор ва ертўлалар ибтидоий жамоа кишисининг «уйи» ҳисобланган, шу уйларнинг девор ва шипларига суратлар чизганлар, бўртма тасвирлар ишлашга ҳаракат қилганлар, ана шу одамлар яшаган манзиллардан топилган меҳнат, ов қуроллари, турли ҳайкал ва рамзий мазмунга эса бўлган шакллар ибтидоий жамоа кишиларининг эстетик ва фалсафий қарашларини тушунишга ёрдам беради.

Дастлабки расмлар предмети ва асосан, ҳайвонлар кўри-нишини тасвирлайди. Бу даврда ҳайвонлар тасвири аниқ реал, пропорциялари тўғри олинган, рассом ранглар ёрдамида нур-соя имкониятларидан ҳам фойдалана бошлагани сезилиб туради. Ўқ, камон, кабиларнинг ихтиро қилиниши ибтидоий жамоа кишисининг ҳаёти янада яхшиланишини таъминлади.

Одамлар ёғоч ўйишга асосланиб, ўзларига керакли буюмлар ярата бошладилар, диний тушунчалар кенг ёйилди, «нариги дунё» тушунчаси пайдо бўлди, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган турли урф-одатлар юзага кела бошлади, булар кишиларда мураккаб тасаввур ва фикрларининг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Одамлар тасаввурининг кенгайиши абстракт тушунчаларининг юзага келиши санъатнинг шакл ва мазмун характерида ҳам сезила бошлади, жанг воқеалари, овчиликни акс эттирувчи мураккаб композициялар яратилди, ишлаб чиқариш жараёни кучая борди, шу билан бирга, кишиларнинг маънавий олами, дунё қараши ҳам мураккаблаша борди. Тошни қайта ишлаш, уни пардоз-

лаш, шу асосда жуда нозик буюмлар яратишга кўпроқ эътибор берилди бошланди.

Ижтимоий ҳаётда ишлаб чиқариш кучларининг ошиши, сўзсиз одамлар орасидаги муносабатларнинг тараққий этишига ёрдам берди, қабилалар орасидаги муносабатни кучайтирди, динда жамоани оқсоқоллар бошқара бошлади, одамларнинг ўтроқ ҳолга ўтишлари, табиат қонун-қоидаларини кузатиш симметрия, ритм, шакл туйғуларини ўзгартирди. Бир ҳил элементларнинг текис қайтарилиши ёки оралаб келиши асосида вужудга келадиган ўзига хос нақш санъатини майдонга келтирди.

Қабилани ягона бошлиққа бўйсиниши эса меҳнатни ташкил этишни яхшилади, қўшимча меҳнат маҳсулотларининг тўпланишини таъминлади, қулдорлик тузуми бошланди, синфий давлат юзага келди, ижтимоий ҳаётдаги бу ривожланиш тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Қабила бошлиғи, оқсоқолларга эътиқод билан қараш, уларнинг вафотидан кейин жасадини яхши сақлашга ҳаракат қилиш билан боғлиқ бўлган одат – қабрини бошқа қабрдан ажратиб ишлашга интилиш, мухташам ер усти тупроқ кўргон, мақбара юзага келишига олиб келди, қабр ички қисмини ҳам алоҳида эътиқод билан беади.

Ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгариш натижасида юзага келган мегалитик қурилмаларда яққол сезилди, одамларнинг диний тушунчалари ота-бобо руҳи билан боғлиқ ҳолда

юзага келган, бу қурилма катта тошдан кўпчилик кучи билан барпо этилган, бу қурилмалар уч типда-менгер, дольмен, кромлех катта тошлардан барпо бўлган.

Менгерлар. Ўз характери жихатидан тик ўрнатилган катта тош бўлиб, уни баландлиги 20 м гача етган, баъзи менгерлар балиқ, одам шаклида, кўп ҳолларда менгер юзаси бўртма тасвир билан қопланган, бундай ёдгорликлар Арманистон, Қозоғистон, Сибирда кўплаб учрайди.



Менгер

Дольменлар. Тик ўрнатилган икки ёки тўрт тош устундан ташкил топган бўлиб, устки қисми ҳам шундай яхлит тош билан беркитилган, тош устун юзаси пардозланган, баъзиларида рамзий белги чизилган, бу ёдгорлик қабр тош вазифасини бажарган бўлиши мумкин, қисман турар жой вазифасини ҳам ўтаган; дольмен ўз туриши ва қурилиши, прин-

ципи жихатидан дастлабки монументал меъморчилик намунаси ҳисобланади.




Дольмен

«**Мегалитик**» – (грекча «**мег**» катта, «**лит**» – тош сўзидан олинган).

Кромлех айлана бўйлаб тик ўрнатилган тошдан қурилган бўлиб, у тош тўсин билан бирлаштирилган, Англиядаги стоунхендж яқинидаги кромлех, шу типдаги қурилманинг классик намунасидир. Дольмен ва кромлех ёдгорликлари Ғарбий Европа, шимолий Африка, Кавказ, Сибир ва Қозоғистонда кўплаб учрайди, бу ёдгорликлардан яна бири, кўриниши қабр устига ишланган тупроқ қўрғон бўлиб, бу қўрғон диаметри 12 метрга етган, атрофи эса тош плита билан айлантириб чиқилган.

Триполидаги (Киев яқинидаги кишлок номи) топилган

девор қолдиги, бу ердаги уй кўпроқ дарё ёқасига яқин ерда қурилганлиги ҳақида маълумот беради, бу уй лой ва ёғочдан ишланган бўлиб, девори эса рангли нақш билан безатилган.



Кромлех

Қора денгиз ва Азов денгизи соҳиллари, Кавказ этаклари, Каспий ёқалари, жанубий Сибирда бир бирига яқин бўлган, бир қанча қабилалар яшаган бўлиб, уни ичида скиф қабилалари етакчилик ролини ўйнаган, шунинг учун бу ер санъатини кўп ҳолда скиф санъати ва даври деб юритилади.

Скиф мустаҳкам қўрғон бошлиғини вафотидан кейин унга атаб, катта тупроқ қўрғон-қабр қурган, бино деворларини нақш ва деворий суръатлар билан беаганлар, бугунги кунда жаҳоннинг машҳур музейи Эрмитажда сақланаётган 40 мингдан ортиқ скиф маданияти ёдгорликлари ибтидоий жамоа тузумининг сўнги босқичи-темир асрини таърифлашга қўл келадиган бебаҳо манбадир.

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиётининг узок

давом этган босқичидир, шу давр ичида инсон таффафури камол топди, ҳис туйғуси ривожланди: инсон дастлаб табиат яратган инъомлар истеъмолидан ўзи маҳсулот яратишга ўта борди, у меҳнат жараёнида меъморчиликни яратди.

Меъморчилик, санъат воқеликларни образли беришга ёрдам бериш билан бирга, ўз кучига ишонч ҳосил қилиш те-варак-атроф қоидаларини ўзлаштириб, уни гўзаллик қонун-лари асосида қайта қуришга имкон беради, шундай жамоа даври санъати қадимги шарқ, антик дунё ва ўрта аср Евро-па санъати ҳамда илк синфий жамият санъатининг асосини ташкил этади.

Қадимги шарқ архитектура назарияси

Ўрта Осиёда фанлар тарихини ўрганиш соҳасидаги ютуқлар талайгина. Бироқ, XX- асрнинг 60-йилларига қадар меъморшунослик фанига ўзларининг ҳиссаларини қўшган. Ўрта Шарқ мамлакатларида яшаб ижод этган ўрта аср олимларининг меъморчиликка доир асарлари фанга маълум эмас эди. Бу эса ўз навбатида, Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг ўтмишда назарий асослари бўлганми ёки йўқми? деган саволни келтириб чиқарган эди.

Аксарият Ғарб олимлари бу саволга жавоб излаб нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқ мамлакатлари архитектурасининг ҳам назарий асослари бўлмаган, деган фикрга келиб қолган эдилар. Бироқ бу тушунчага ўрта аср Шарқ олимларининг ишлари ўрганилгач, чек қўйилди. Биз қуйида ана шундай тарихий манбаларнинг айримларига тўхтаб ўтамиз.

Бизга маълум бўлган қомусий асарлар орасида XV асрда яшаб, асилзодалар авлодига мансуб бўлган катта амалдорлардан бири Вожид Алининг «Матла ул-улум ва мажма ул-фунун» («Фаннинг келиб чиқиши ва техника билимларининг тўплами») номли асари муҳим аҳамиятга моликдир. Китобнинг 31-бобидаги меъморлар санъати қисмида иморат қуришнинг қуйидаги 14 моддадан иборат қоидалари берил-

ган [5.– 42 б]:

1. Қурилиш учун жой танлаш (1-модда). Ер қатлами зич ва қаттиқ бўлиши керак, лекин асло қумлик ва таги бўш бўлмаслиги лозим.

2. Ер майдони (4, 10-моддалар). Ер майдони тўғри чи-
зиқли бўлиши керак. Агарда уй қурулиши кўзда тутилаётган
ер майдони учбурчак шаклида бўлса, иморатни шундай жой-
лаштириш керакки, ҳовли тўғри бурчак шаклини олсин. Уч-
бурчак ромб ва параллелограмм шакллари ҳўнук кўриниб,
дидга мос эмас. Номувофиқ қисмларини бартараф қилган
ҳолда квадрат, тўғри бурчакли, олти бурчакли ёки саккиз
бурчакли ҳовлига эга бўлиши мумкин.

3. Пойдевор (2-модда). Бино пойдеворининг кенглиги ва
чуқурлиги унинг катта -кичиклигига муносиб бўлиши ке-
рак. Агар иморат бир қаватлик бўлиб, унчалик катта бўл-
маса, пойдеворнинг эни 1 ёки 1,5 газ чуқурлиги эса шунга
муносиб бўлиши лозим. Агарда иморатнинг баланд бўлиши
2 ёки 3 қаватга кўтарилиши кўзда тутилса, унинг пойдевори-
ни шунга муносиб бўлиши ҳисобга олиниши керак. Бу ҳол-
да ғиштларни шундай териш керакки, бино пойдеворига сув
киришнинг барча ҳолларидан мустасно бўлсин.

4. Иморат курсиси (13-модда). Бино курсиси баланд бў-
лиши керак. Шунда бино ҳашаматли ва салобатли кўриниш-
га эга бўлади.

5. Деворлар ҳақида (8-9- моддалар). Бино деворининг
эни пойдевори энидан камроқ бўлади. Биринчи қаватнинг

охиригача девор қалинлиги бир хилда қолса иккинчи қават деворларининг қалинлиги пастки қаватдаги деворга нисбатан озрок камайтирилади. Бунда девор қалинлигини камайтириш усули кейинги қаватга кўтарилган сари ортиб боради. Девор бурчакларини шундай бириктириш керакки, токи ундан ғишт бирикмаларида ҳосил бўлган излар кўринмасин (1-расм).

6. Устини ёпиш (7-14- моддалар). Иморат шипидаги тўсинлар сони ток бўлиши керак, чунки жуфт сон ёмон белги деб ҳисобланган. Иморат томи мустаҳкам ва сув ўтказмайдиган бўлиши керак.

7. Иморат режаси ва мутаносиблиги (3-5-6-12-моддалар). Хонанинг баландлиги унинг кенглигига мувофиқ тушиши керак. Масалан агар йўлак ёки ёпилган йўлнинг кенглиги 4 газга тенг бўлса унинг гумбази ёки томонининг баландлиги кўпроқ бўлиши керак. Акс ҳолда номутаносиблик вужудга келади ва бинонинг кўриниши ёмон таасуротга эга бўлади.

Хонанинг йуналиши қайси томонга қараган бўлишига қарамасдан, бўйи энига қараганда кенг бўлиши керак. Иморатнинг ташки дарвозасини ҳовлининг бўйига нисбатан паралель жойлашган деворига қуриш керак, шунингдек, дарвозанинг олд томонини жанубга қаратмаслик керак, бу гуёки бахтсизликларни тўсолмас эмиш. Ёпик йўллардаги дарвозаларни кенг ва баланд қилиб қуриш керак.

Иморатга кириш учун қурилган асосий дарвозани эса ич-

ки эшикларга нисбатан кенг ва баланд қилиш керак, чунки иморатнинг қадр-қиймати, асосан ташқи дарвозанинг гўзаллиги ва салобатида намоён бўлади. Паст дарвоза ҳаддан ташқари ёмон таассурот қолдиради.

– **Шамоллатиш** (1- модда). Хонанинг ички қисмини ҳаво бемалол кириб- чиқиб турадиган қилиш керак. Хонанинг бундай энг муҳим сифатини бузиш, ҳар хил буғланишларнинг алмашинувига олиб келиб, турли касалликларга сабаб бўладиган буғуқ ҳаво ҳосил қилади ва ҳакоза.

Юқоридаги қоидалар бир мунча умумлаштирилиб берилишига қарамасдан, ўтмишда ҳам ҳар ҳолда иморат қуришдан олдин уни ҳар тарафлама муҳитга ва қурилаётган жойга мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш ва ҳисоблаш ишлари олиб борилганлигидан далолат беради.

Шарқнинг таниқли қомусий олими ва мухандиси Ёкуб ибн Исҳоқ ал Кинди (801—866) уйғунлик хусусида махсус асар ёзади ва уни «Уйғунлик ҳақидаги катта китоб» деб номлайди. Ал – Кинди уйғунликка изох берар экан, у «муносабатларни ўрганишдан ва бир сонни бошқасига айлантиришдан, мутаносиблик ва номутаносибликни фарқлашдан иборатдир» деб тушунтиради [26. -97 б].



1-расм. Бибихоним масжидининг қурилиши. Расм юқорисидаги бош меъмор қўлида бино макети кўрсатилган. «Зафарнома»га ишланган миниатюрардан олинган

Машхур Шарк файласуфи Абу Наср Фаробийнинг X асрда ёзган «Геометрик шаклларнинг нафислиги ҳақидаги маънавий гўзал усуллар ва табиий сирлар китоби» меъморларда катта қизиқиш уйғотди. Унда Фаробий энг яхши мутаносибликлар ҳақидаги ижодий изланишларни, гўзал нисбатларда қараб чиққан ва санъат асарларининг хандасавий уйғунлиги билан боғлиқ бўлган гўзаллик сирларини очиб берган.

Фаробийнинг ушбу асарини рус тилига таржима қилган олимлар бу асарни Абул Вафо Бузжонийнинг Фаробийдан кейин ёзган «Хунармандларга хандасавий ясамалардан нималар зарурлиги ҳақида»ги китобига деярли тўлиқ мос келишини айтиб ўтган.

Ушбу китоб муқаддима ва ўн бобдан иборат бўлиб, уларда геометрик шакллар ва уларнинг ясалиш услублари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, етти бурчакларни таркибий қуриш, кўпбурчакларни шаклнинг берилган томони ва бошқа параметрлари бўйича яшаш; айлана ичига тенг томонли учбурчак, квадрат, беш, олти, етти, тўққиз ва ўн икки бурчакларни чизишга асосланган ясалишлар ҳамда хандасавий қуриш бўйича бошқа зарур маълумотлар келтирилган. Фаробий ўзининг «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида»ги рисоласида «шаҳарни ҳам, уйни ҳам инсон қоматига таққослаш зарур» деб ёзади [6.– 34 б]. Бу билан олим фозил шаҳарнинг соф инсон қоматига ҳамоҳанг ва мос тарзда қурилишини орзу қилади. Унинг фикрича, «ғўзаллик ва фойдалилик»ни бир- биридан ажратиб бўлмайди, уларнинг қўшилиши эса уйғунликка олиб келади [6.– 35 б].

Маълумки, Шарқда нафақат бинокорлик санъати, балки боғ- истироҳатчилик ҳам кенг ривож топган. Хиротлик Розил Херавий XVI асрда агротехника ва меъморий боғларни яратиш бўйича саккиз бобдан иборат ажойиб асар ёзди.

Унинг саккизинчи боби «Дарахтларни боғ режасига мослаб экиш ҳақида» деб аталиб, унда боғларни мунтазам режа

асосида тўғри бурчакли бўлишлиги, уфк томонларига ориентацияланиши, боғ девор билан айлантирилган ва периметри бўйлаб тўғри қатор толлар экилишига кўрсатма берилган [17.– 89 б].

Бош хиёбоннинг боғ саройига туташтирилиши зарур. Боғ худудини тежамли суғориш ва боғ ичига сув олиб кириш, хиёбонлар бўйлаб ариқ ўтказиш, сарой (кушк) олдида ховуз бунёд этиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Боғ атрофи ички тарафидан ариқ билан айлантирилиши зарур бўлган.

Боғ экинлари учун манзарали ва мевали дарахтлар таклиф этилган. Гуллар турини танлаш масаласи шундай ечилганки, токи боғда гуллар эрта баҳордан то кеч кузгача узлуксиз очилиб турсин [8.-74 б].

Меъморлар ва боғбонлар учун нафақат ана шундай рисо-
лалар ёзилган, балки X-XV асрларда меъморлар томонидан тайёрланган чизмалар, «намунавий» лойиҳа ўрамлари ҳатто махсус мураккаб (альбом) лар ҳам мавжуд бўлган. Илк бор Н.Б.Бакланов томонидан ўрганилиб нашр этилган XVI аср Бухоро меъморининг чизмалари фикримизнинг далилидир. Унда Г. А. Пугаченкова айтганидек, хонакох, сардоба, карвон сарой ва работларнинг бир неча намунавий лойиҳалари, шунингдек, ғишткор безаклар, гирихлар ва муқарнасларнинг чизмалари ҳам акс эттирилган [18.-67 б].

Хуллас, шуни таъкидлаш зарурки, ўрта асрдаги Ўрта Осиё меъморчилиги ва бизгача қолган тарихий ёдгорликларнинг

қурилиши ўзининг чуқур назарий асосларига эга бўлган ва бу назарий билимлар ўрта аср муаллимлари томонидан ёзиб қолдирилган асарларда бизгача етиб келган.

Бу асарларни ўрганишда замондош меъморлар, олимларимиз М.С.Булатов, Г.А.Пугаченкова, П. Ш. Зоҳидов, М.К.Ахмедов ва А. С. Ураловларнинг хизмати катта. Шундай экан бу улкан меросдан замонавий «Архитектура» таълими тизимида унумли фойдаланишимизнинг бўлғуси меъморларни касбга ўргатишимизда бундай назариядан уларни ҳам хабардор қилишимиз фойдадан холи иш эмасдир.

«Чор унсур» тушунчаси ва унинг мазмуни

Жаҳон халқларини ўз фалсафаси, дини, эътиқоди, удум ва анъаналари, тили билан бойитиб келган Ўрта Осиё халқларининг нафосат дунёси ва маънавияти ҳам кўп қирралидир. Бу қирраларнинг бири ўрганилган, бошқаси эса энди ўрганилмокда. Шарқ халқлари тафаккурига мансуб мукаддас «Чор унсур «фалсафаси ҳам ана шундай азалий маънавият маҳсулидир.

Унинг ёши Авестога ва ундан ҳам олдинги узоқ қадимий даврларга тўғри келади. Авесто таълимоти ҳам «Чор унсур» фалсафаси билан суғорилган. Авестога асосланган зардуштийлик дини эса дунёдаги динлар орасидаги энг қадимгиси ҳисобланиб, инсоният тараққиётига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир кўрсатган. Бу таълимот Ғарб давлатлари-

га кенг тарқалиб, юнонча "зороасризим» тарзида зикир этилган. Демак «Чор унсур» фалсафаси ушбу дин орқали Ғарб давлатларига тарқалган.

«Чор унсур" жамики фанларнинг асоси, Авесто ва жаҳоний динларнинг пойдевори, Ислом фалсафаси ва Шарқ халқлари имон-эътиқодининг мазмуни ҳисобланган. «Чор унсур» ҳақида китоблар ёзилган. Улардан бири Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644—1721) айнан шу номдаги асари -«Чор унсур» дир [19.-23 б].

Бедилнинг ёзишича, ҳали Авесто дунёга келмасдан бурун бутун шарқ халқлари, хусусан Ўрта Осиёлик аجدодларимиз бутун борлиқ ва тирик жонзотларни чор унсурдан, яъни -ту-прок (хок), сув (об), нур (нор), ҳаво (бод) каби яралганларнинг қўшилишидан яратилган деб билганлар [19.-37 б].

Абу Наср Фаробий (VIII—X асрларда) ҳам ўзининг «Илмларнинг келиб чиқиши» асарида ердага барча нарсалар ту-проқ, сув, олов ҳавонинг турли миқдорда қўшилишидан ташкил топади, осмон жисмларини ҳам алоҳида, мустақил нарсалар деб эмас, шу тўрт унсурдан таркиб топади, дейди [7. -42 б].

Материкнинг турли минтақаларида ана шундай тўрт унсурнинг миқдори турлича бўлишлиги ушбу минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳам, ҳайвонот ва наботот оламини ҳам, инсонларнинг яшаш турмуши, мижози ва урф одатларини ҳам турли туман қилиб юборган.

Демак, «Чор унсур"ни бутун оламнинг моддий асоси,

оламдаги барча ўзгаришлар ва ҳаракатларни эса ушбу тўрт унсурнинг ўзаро турлича бирикувидан вужудга келган воқеаликдир, деб тушуниш мумкин.

Чор унсур таълимотининг моҳияти эса ушбу тўрт унсурнинг бирикуви, ўзаро таъсирида ва яхлитлигида муайян қонуниятларнинг ётиши ва уларнинг ҳам ўз навбатида коинот уйғунлигига боғлиқ эканлигидадир. Зеро чор унсур ана шу уйғунлик бағрида воқедир. Инсон турмуши ва ҳаёти, унинг бунёдкорлик ишларининг асоси ҳам айнан шу уйғунлик ва мутаносибликка алоқадордир.

Шарқ сарзаминида фалсафий мушоҳада кўп минг йиллик тамаддун ҳосиласи ўларок, аввалбошдан Миср, Сурия, Ироқ, Марказий Осиё, Ҳинд ва Эрон халқларига хос бўлган. Шарқ цивилизацияда ҳеч қачон дин ва фалсафа бир-биридан ажратилмаган. Фалсафа диний таълимот мағзига жо бўлган.

Шунинг учун шарқ халқлари фалсафасини, унинг таъмоийил ва мезонларини юнон фалсафасига қўлланган ёндошувлар тизимидан келиб чиқиб ўрганиш нотўғри бўлади. Шарқликларнинг дунёвий қарашлари ўша даврлар шароитига мос бўлган кўринишда, содда мулоҳаза, тушунча ва ривоятлардек туюлса-да, рамз ва ишоратларга бой, чуқур маънога эга бўлган.

Албатта, мулоҳазалар фалсафа эмас, аммо уларнинг шарҳи фалсафага хос мантикий ёндошувларга олиб келади. Уларнинг асосида шарқ халқларининг бизга номаълум олам-

ларни тушуниш ва талқин қилиш ҳаракати ётадики, бу ўша даврларнинг фалсафаси эди. Буни биз мистика ёхуд илоҳиёт деб аташга одатланганмиз.

Бу илмни ўша тамаддун даражаси ва диний-илоҳий қарашлар тизимини шакллантирган шарқ шароитларидан келиб чиқиб ўрганиш жуда муҳимдир. Зеро, улардаги айрим етакчи ғоялар ер юзининг турли минтақаларида, турли даврларда, турли кўриниш ва шаклларда учрайдиган диний илоҳий назарияларда бир хиллигини кўрамиз.

Веда ҳақиқатларидан суйлаган ва Рухларнинг ўлмаслиги таълимотини ёйган файласуф брахманлар, Худонинг инсонда зуҳр этиш ғоясини тарғиб этган, христианлар, барча фалсафий-диний қарашларни зардуштийлик асосига қуйиб, Нур ва Зулмат манбаларини кўрсатишга ҳаракат қилган мунйлик тарафдорлари юқорида зикр этилган даврларда қадимдан яшаб келганлар. Уларнинг қарашлари нафақат бири-бирига таъсир этган, балки бири иккинчисидан озикланган. Шундай қилиб, қадимда Шарқда шаклланган «Чор унсур» таълимоти Ғарб давлатларида яшовчи халқлар тафаккурига ҳам таъсир қилган [27.— 64 б].

«Чор унсур» таълимотига хос уйғунлик

Халқимизда Аллоҳ илк инсонни (Одам ота ва Момо ҳавони) лойдан, яъни тупрокдан яратган, сўнгилари эса сувдан яралган деган ибора бор. Қуръони каримнинг «Торик» сура-си, 5—7 оятида инсон сувдан яратилгандир, деб айтилган.

Дарҳақиқат, соғлом инсон организмда Чор унсур (тупрок, сув, ҳаво, нур) нинг ўзига хос нисбатдаги уйғун мутаносиблиги мавжудки, буни инкор этиб бўлмайди.

Чунки ушбу мутаносиблик бузилса инсон саломатлиги ҳам бузилади. Нафақат инсонлар балки ер юзидаги барча жонзотлар ва моддалар ҳам Чор унсурнинг муайян уйғунликдаги аралашмасидан таркиб топганлар. Табиатга ҳам ана шундай уйғунлик хосдир [23.-76 б].

«Бу дунё бир чархпалак» (чархи ёки гардиши фалак) дейишади ҳалкимиз. «Чор унсур» табиат ва бутун оламнинг даврий ҳаракатини чархпалак сингари айланиб туришини англатган. Йилнинг тўрт фаслини, яъни буржини Чор унсурнинг ҳаракатидан деб, қуйидагича изохлашган:

- Буржи обий -сувли (ёмғирли) баҳор фасли;
- Буржи норий -нурли (самовий оташли) ёз фасли;
- Буржи бодий -боди ҳаволи, мезон шамолли, куз фасли;
- Буржи хокий -ўсимлик ва жониворларни чиритиб тупроққа айлантирувчи қиш фасли [19.– 32 б].

Фалак чархи (бахт ва ҳаёт рамзи) ана шу тўрт фаслга нисбатлаштирилгандир. Йилнинг тўрт фасли давомида қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини жуда қадим замонлардаёқ билган аجدодларимиз Ўрта Осиёда «шамсий -қуёш тақвимиға»(календарига) асос солганлар. Аجدодларимиз ернинг тўрт томони -Жануб, Шимол, Шарқ, Ғарб борлигини қадимдан яхши билишган.

Қадимги зардуштийлар эътиқодида ҳам табиатнинг тўрт

унсури – куёш (олов), сув, ер ва ҳаво энг муқаддас ҳисобланган. Беруний ва Ибн Сино каби олимларимизнинг билимларини бойитган шарқ фалсафаси ҳам маълум маънода шу «Чор унсур» ҳисобланган. Жумладан, қадимий табобат оламида тўрт фаслнинг инсон саломатлигига тўрт хил таъсир қилиши ҳақида айтиб ўтилган. Масалан, баҳорни қон босими касалликлари даври, яъни «хун» даври,



Чор унсур ва шакллар гармонияси

ёзни саратон билан боғлиқ касалликлар, яъни «сафро» ғалаёни фасли дейилса, кузни меъзон шамоли эсиб турадиган рухий касалликлар фасли, яъни «савдо» даври деб ҳисобланган.

Соғлом одам ҳақида эса «Тўрт мучаси соғ», деб аташган. «Соғ танада соғлом ақл» дейишган Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» шиорининг қуйилиши бежиз эмас. Арастунинг инсон мижозини тўртга (халерик, сангви-

ник, мелонхолик ва флегматик) бўлиши ҳам Чор унсур фалсафасига асосланган бўлса ажаб эмас.


Иссиқ ва совуқ мижоздан: иссиқ хўл, иссиқ-қуруқ, совуқ-хўл, совуқ-қуруқли мижозлар келиб чиққан. Булар табиий иқлим шароитларига ҳам боғлиқ бўлган. Табиий-иқлим шароитлари эса яна ўша чор унсурга бориб тақалади, чунки бу унсурларнинг ўзаро мувозанати турли ўлкаларда турличадир.

Демак, Чор унсур элементларига хос бўлган уйғунлик бутун олам ва коинот уйғунлигини, бу эса ўз навбатида инсонларнинг турмуш тарзи, ҳаёт ва урф-одатларигача бўлган жиҳатларини, ҳатто йилнинг тўрт фасли ва улардан келиб чиқувчи инсоний мижозларнинг, жойлардаги табиий-иқлим шароитларининг шаклланишига таъсир кўрсатган ва шу маънода жамиятнинг турмуши ва ижтимоий эҳтиёжлари асоси бўлмиш меъморий иморатларнинг қурилишини ўзида акс эттирган (2,3,4- расмлар).

Шундай қилиб, Чор унсур таълимотининг жамиятдаги мавқеи, ўрни ва роли ўта кенг тушуниш даркор. Унинг ҳатто жамият мафкурасини, эстетика ва этикасини шакллантиришда ҳам ўзига хос ўрни бор [23. -42 б].

Маълумки, масжид, мадраса ва бошқа иморатлардаги бадиий воситалар ҳам биринчи ўринда жамият мафкурасини акс эттирган. Бу анъаналардан биз миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, Президентимиз айтганларидек «қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши

маърифат билан жавоб беришда» фойдаланмоғимиз даркор [3.-7 б].



4-расм. «Чор унсур» таълимотига асосланиб квадрат каттаклар ичига чизилган гирих ва ислимий нақшлар тасвири.

Антик Юнонистон маданияти

Антик давр маданияти – жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлиб, у даврда философия, маданият фан сифатида шаклланди. Ўша давр юнонларнинг турмуш тарзи, фикрлаши, маънавияти ҳозиргача ҳам инсонларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

Антик Европа маданиятининг шаклланишига Месопотамия ва Миср маданиятининг, айниқса арифметика, астрономия, мифология ва теология соҳаларида эришилган дастлабки муҳим ютуқларнинг аҳамияти катта бўлди.

Қадимги Юнон маданияти эр. авв. XXVIII асрдан эр. авв. II асргача давом этди. Юнонлар ўзларининг ватанини Эллада деб атаганлар. Қадимги Юнон маданиятининг энг юқори даражага кўтарилган даври эр. авв. V—IV асрларга тўғри кел-

лади. Қадимги Юнон маданияти жаҳон маданияти тарихида фавқулодда ҳодиса сифатида ўзини намоён этди.

Эллада ҳозирги замон давлатларининг бошқарув шакли – республика ва демократиянинг ватанига айланди. Унинг намунавий шакли Перикл (443- 429 йй) ҳисобланади. Юнонистонда жисмоний ва ақлий меҳнат иккига ажралади. Жисмоний меҳнат бу қулларга, ақлий меҳнат қилиш эса озод кишиларга тааллуқли эди.

Юнонлар давлат ва шахсий мулк, жамоа ва шахсий манфаатларни ўзаро жуда моҳирона боғлай олганлар. Аристократия одоби – мусобақа тамойиллари асосида биринчилардан бўлишга интилиш қадрияти кенг қулоч ёйди. Бундай ўйинлар саҳнаси: Олимпия ўйинлари, 1 мунозара, жанг майдони, театр саҳналари эди.

Юнонлар учун эркинлик энг юқори қадрият ҳисобланиб, унинг учун ҳатто ўлимга ҳам тик борганлар. Леонид жасорати ёки Прометей ҳақида афсона бунга мисолдир.

Юнонларнинг турмуш тарзи ҳақиқат, гўзаллик, меҳрибонлик каби категориялар уйғунлиги билан белгиланган. Улар учун меъёр тушунчаси муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун юнонларда мулк эркин киши учун ажралмас атрибут бўлса, иккинчи томондан очкўзлик, молпарастликни қоралаганлар.

Инсонни тарбиялаш учун икки йўналиш бўйича таълим тизими вужудга келтирилган: а) «гимнастика»; ва б) ақлий йўналишдаги барча маданият турлари, чунончи, таби-

ий фанлар, фалсафа, нотикликни ўрганиш. Озод юнонларнинг болалари 7 ёшдан бошлаб бошланғич мактабга борганлар. Бадавлат кишиларнинг болалари эса 18 ёшгача гимназияларда ўқишни давом эттирганлар.

Болалар мактабларда чиройли ёзишга, аниқ ва равшан сўзлашга ўргатилган. Улар Гомер, Гесиод ва бошқа шоирларнинг шеърларини ва дostonларини ёд олганлар. Юнонлар ашула айтиш, рақсга тушиш, лира созини чалишни билмайдиганларни ўқимишли деб ҳисобламаганлар.

Болалар улғая борган сари югуриш, курашга тушиш, сакраш, диск, найза отиш ва қилич чопиш билан шуғулланганлар. Шу тариқа, улар ватан ҳимоячилари сифатида тайёрланган.

Айниқса, бу соҳада Спарта мактаби ажралиб турган ҳар қандай эркин юнон полис (шаҳар) давлатини энг олий эҳсон деб қабул қилган ва унинг ватанпарвари бўлган. Биринчи юнон файласуфи Фалес бўлиб, у сувни оламдаги барча моддий борлиқнинг асоси деб ҳисоблаган. Юнон фалсафасининг энг юксак намояндалари сифатида Сукрот, Платон ва Аристотель ҳисобланганлар.

Юнонистонда оламни фалсафий мушоҳада қилиш—мантиқ ва тасдиқлашга таянган илмий ва рационал фикрлаш методи орқали билиш мумкинлигига асос солинган. Пифагор, Евклид ва Архимедлар математика ва математик фанлар – геометрия, оптика, гидростатика фанларининг асосчилари ҳисобланади. Астрономия соҳасида Аристарх биринчи

бўлиб геоцентризм ғоясини илгари сурди. Гиппократ – медицина фанига асос солди.

Геродот тарих фанининг отаси ҳисобланади. Аристотель асарлари маданият назарияси бўйича биринчи фундаментал илмий ишлар қаторидан ўрин олган эди. Деярли ҳозирги замон маданиятининг жанрлари қадимги Юнонистонда пайдо бўлди. Баъзилари ўша даврнинг ўзида жуда юқори даражага кўтарилди.

Фидий бошчилигида бадий тасвирий санъат асарлари, Зевснинг катта ҳайкали бунга мисол бўла олади. Юнонлар биргина яратувчилик билан шуғулланиб қолмай, шу билан бирга гўзаллик қонунлари билан яшашни ҳам ҳоҳлар эдилар. Шунингдек, юнонларда ибтидоий дин шакллари – тотемизм, анимизм ва фетишизм тасаввурлари кучли бўлган.

Ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш давомида юнонларнинг диний тасаввурлари ҳам ўзгариб борган. Уларда ҳар бир йирик ҳодиса, касби-корнинг ўз худолари – хомийлари бўлган.

Зевс – юнонларнинг энг муқаддас бош худоси ҳисобланган. У осмон, момақалдироқ, чакмоқ ва ёмғир худоси бўлган. Уни одамлар жингалак сочли, бақувват, серсоқол, қудратли, қўлида чакмоқ ушлаган, басавлат киши сифатида тасаввур қилганлар.

Зевснинг укаси Пасейдонни «ерни тебратувчи» даҳшатли денгиз худоларидан бири деб билганлар. Гелиос қуёш худоси бўлиб, оппоқ отлар қўшилган олтин аравасида осмонга

чиққанда кундуз бошланади деб фикр юритганлар.

Апполон эса ёруғлик ва санъат худоси саналган. Деметрий ҳам илоҳий тимсол сифатида ўсимликларнинг униб чиқиши, ўсиши, сарғайиши гўёки унга боғлиқ бўлган. Ер ости ҳукмдори – ҳомийси Аид бўлган. Дионис виночилик, Афродита аввал ҳосилдорлик, кейинчалик севги ва гўзаллик ҳамда денгиз сайёҳлари ҳомийси бўлган.

Зевснинг қизи Афина, юнон афсоналарига кўра уруш, ғалаба, санъат, билим ва донолик маъбудаси бўлган. У Афина шахрининг ҳомийси бўлиб, ҳайкалтарош Фидий томонидан шаҳардаги Парфенон ибодатхонаси олдида унинг ажойиб ҳайкали ишланган. Юнон худоларидан бири, Зевс ва Геранинг ўғли Гефест темирчилик ҳомийси ҳисобланган, Вулқон лаваларининг отилиши ҳам унинг ер остидаги темирчилик устахонасининг маҳсули деб ҳисоблашган. Гермес савдо-со-тиқ худоси сифатида эътироф этилган.

Юнонларнинг фикрича, уларнинг Зевс бошлиқ худолари баланд Олимп тоғларида яшаганлар ва бадавлат кишилардай ҳаёт кечирганлар. Улар ҳам одамлар каби шуҳратпараст, ҳокимиятпараст, шафқатсиз ва қасоскор бўлганлар. Юнон худоларининг одамлардан фарқлари шундаки, биринчидан улар умрбоқий, иккинчидан, улар Гефестдан ташқари 2 гўзал ва қадди қомати келишган бўлишган.

Юнон худолари ҳам севишган, хурсанд ёки ғамгин, ғазабли ҳолатларда намоён бўлганлар. Ердаги аёллар билан худолар қовушувидан қаҳрамонлар дунёга келганлар.

Юнонлар ўз худоларига ишонишган, сиғинишган, уларга атаб ибодатхоналар қуришган ва қурбонликлар қилишган. Лекин юнонларда худоларга кўр-кўрона сажда қилиш, мута-ассиблик даражасида бўлмаган.

Масалан, Прометей худолар иродасига қарши одамларга осмондан оловни ўғирлаб олиб тушиб берган (Прометей афсонасидан).

Юнон мифологиясида биргина худоларни эмас, ердаги инсонларни ҳам улуғлаганлар. Бунга Софоклнинг «Дунёда буюклар кўп. Лекин, инсондан бошқа табиатда кучлиси йўқ», ёки Архимеднинг «Менга таянч нуқтасини топиб беринглар, мен дунёни остин-устун қилиб ташлайман» деган ибораларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Қадимги Юнон маданияти бешта даврга бўлинади:

Эгей маданияти (эр. авв. 2800—1100 йиллар);

Гомер даври (эр. авв. XI—IX асрлар);

Архаик маданият даври (эр. авв. VIII—VI асрлар);

Классик (юқори даражадаги) даври (эр. авв. V—IV асрлар);

Эллинизм даври (эр. авв. 323—146 йиллар).

Эгей маданиятини кўпинча Крит-Микен маданияти деб ҳам аташади. Бунинг сабаби Крит ороли ва Микен Юнон маданиятининг асосий марказлари саналган. Шунингдек бу даврни афсонавий подшо Миноснинг номи билан Миной маданияти деб ҳам аташади.

Эрамиздан аввалги уч мингинчи йилларнинг охири, икки

мингинчи йилларнинг бошларида Крит оролида Кносс, Феста, Мали ва Като-Закро шаҳар давлатлари вужудга келди. Шаҳарларнинг тутган ўрнини ҳисобга олиниб, баъзида уларни «Сарой маданияти» деб ҳам аташади. Бу даврда асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлиб, бунда дон, узум, зайтун етиштирилган. Хўжаликда чорвачилик, хунармандчилик ва савдо ҳам муҳим ўрин тутган.

Крит маданиятига тааллуқли Кнос саройи «Лабиринт» номи билан тарихга кирган бўлиб, унинг биринчи қаватигина сақланиб қолган. У кўп қаватли иншоот бўлиб, 300 хонадан иборат, бир гектардан кўпроқ ерни эгаллаган. Саройда сув ўтказувчи мослама (водопровод), канализация ва ванналар, хунармандчилик устахоналари бўлган. Саройнинг маҳфий хонасидан аёл худонинг қўлида илонни ушлаб турган ҳайкалча топишган. Саройнинг деворларида ҳозиргача «Гуллар терувчи», «Қушни тутишга шайланаётган мушук», «Хўкиз билан ўйин» каби расм манзаралари сақланиб қолган.

Крит ўзининг чизиқли ҳарфларидан иборат ўз ёзувигача бўлган. Лекин бу ёзувни ҳанузгача ҳеч бир олим ўқиб чиқишга эга бўлмаган.

XI—IX асрларнинг Гомер асри деб аталиши сабаби шуки, бу даврни ёритиб берувчи асосий манба Гомернинг «Одиссея», «Иллиада» дostonлари бўлган. Бу даврда давлатчилик, шаҳар – сарой турмуш маданияти ва ёзув йўқ бўлиб боради, меҳнат қурулларини темирдан ясашга ўтилиши натижасида

меҳнат унумдорлиги анча ўсади, деҳқончилик ва чорвачилик ривож топади. Савдо-сотиқда эса айирбошлаш воситаси қорамоллар ҳисобланган.

Архаик даврга хос хусусияти шундаки, Юнонистонда уч аср давомида қишлоқдан шаҳарга, уруғ-қабилачилик, патриархат муносабатларидан классик қулчилик босқичига ўтиш учун замин етилади.

Шаҳар – давлат ижтимоий ҳаётининг асосий шакли бўлиб қолади. Давлат тузумининг шакллари – монархия, олигархия, аристократик ва демократик республика бўлган. Юнонлар финикияликларнинг ёзуви асосида 24 ҳарфдан иборат ўз алифболарини яратганлар. Бу алифбода ҳам ундош, ҳам унли товушларни ифодаловчи 24 ҳарф бўлган.

Юнонистонда таълим тизимининг ютуғи туфайли полисининг эркин кишилари орасида саводсизлар йўқ эди. Жамият қадриятлари ва ахлоқий нормалар шакллана боради. Бунда ватанпарварлик ва фуқаролик муҳим ўрин тутган. Ўз шахрини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи ҳисобланган. Худди шу даврда инсон танаси билан рух ўртасида уйғунликни ифодаловчи идеал инсон тўғрисидаги ғоя шаклланади.

Фалсафа ва бошқа фанлар вужудга келади. Фалсафа фанига Фалес, Пифагор эса математикага асос солади. Аввал ёғочдан, кейинчалик тошдан фойдаланиб ясаладиган монументал ҳайкалтарошликка асос солинади. Шулардан кўпроқ тарқалгани: 1) яланғоч ҳолдаги эркакларнинг ҳайкаллари –

«курор»; 2) тикка турган аёллар ҳайкаллари – «кора».

Поэзия соҳасида Гомернинг «Иллиада» ва «Одиссея» дostonлари яратилади. Кейинроқ шоир Гесиод томонидан «Теогония» ва «Аёллар каталоги» поэмаларида антик мифология ўзининг классик даражасига кўтарилади. Антик шоирлар орасида Архилох (лирик поэзия асосчиси), ҳамда шоира С.О.Лесбос ижодлари алоҳида ўрин тутди. Гўзаллик, севги, ҳузур-ҳаловатни куйлаган Анакреонта ижоди А.С.Пушкин ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган.

«Греция мўъжизаси» номи билан тарихга кирган классик даврда (эр. авв. V—IV асрлар) қадимги юнон цивилизацияси ва маданияти яшнаб энг юқори чўққига чикди. Бу даврда юнонлар эронликлар устидан ғалабага эришгач, иқтисодиёт, савдо кенг ривожланади. Афина Ўрта Ер денгизида энг катта савдо марказига айланади. Афина, Миср, Карфаген, Крит, Сурия, Финикияликлар билан савдо алоқаларини олиб боради.

Юнон фалсафаси юқори даражага кўтарилади. Шу даврда антик давр ақллилик даҳолари Сукрот, Платон, Аристотель каби буюк файласуфлар яшаб ижод қилганлар. Сукрот биринчи бўлиб инсон ҳаёти, яхшилик, ёмонлик, адолат каби муаммоларни мушоҳада қилишга асосий ўрин берди.

Сукротнинг шогирди Платон (эр. авв. 429—347 йй) Афина аристократиясининг вакили эди. У эр. авв. 385 йили Академия номи билан файласуфлар мактабини ташкил қилган. Платон ўзининг идеал давлат тўғрисидаги ғояларини муно-

зара шаклида ёзган. Унингча идеал шаҳар давлатни оиласи, хусусий мулки бўлмаган файласуфлар бошқариши зарур эди.

Идеал шаҳарнинг аҳолиси жангчилар ва оддий халқ (хунармандлар ва деҳқонлар) га бўлинар эди. Келиб чиқиши чет эллик бўлган қуллар ҳам бор эди. Платон тизимини Аристотель (эр. авв. 384—322 йй.) танқид остига олган эди. Унинг «Сиёсат» номли машҳур асарида ўша даврда маълум бўлган билимларни алоҳида соҳаларга – ботаника, физика, сиёсат, тарих каби номларга биринчи бор бўлинган эди.

У «Метафизика» асарида фалсафа фанининг метафизик йўналишига асос солган. У Македония подшоси Александр Македонскийнинг устози бўлиб, «Биринчи муаллим» номи билан машҳур бўлган.

Худди шу даврларда «Тарих фанининг отаси» Геродот (эр. авв. 490—430 йй), атом назариясининг асосчиси Демокрит (эр. авв. 460- 370 йй), машҳур табиб, 72 та китоб муаллифи Гиппократ (эр. авв. 460—375 йй) каби машҳур олимлар яшаб ижод қилганлар.

Архитектура ва шаҳар қурилиши бўйича Милетлик Гипподам томонидан шаҳарларнинг режалаштириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра шаҳар жамоа маркази, яшаш учун уй-жой ҳамда ишлаб чиқариш ва порт зоналаридан иборат бўлиши керак эди. Монументал қурилишнинг асосий тури ибодатхоналар бўлган.

Архитекторлар – Гектин ва Каликратлар томонидан қурилган Афина Акрополи жаҳон архитектурасининг ноёб наму-

наларидан бири ҳисобланиб, унда 46 та устун ва ҳайкаллар мавжуд бўлган.

Таниқли архитектура иншоотлари ичида дунёнинг етти мўъжизасидан бири Эфесдаги Артемида ибодатхонаси бўлиб, унга ёвузлик тимсоли бўлмиш Герострат томонидан ўт қўйилган эди. Қайта тикланган ибодатхона қурилишида ҳайкалтарошлар Праксител ва Скопаслар томонидан ишланган 127 та устун ажойиб ҳайкаллар ва расмлар акс эттирилган эди.

Классик даврда юнон ҳайкалтарошлик санъати «Эллада» етакчи ўринни эгаллаган эди. Ҳайкалтарошлар ичида энг таниқлиси Фидий бўлиб, унинг Олимпияда яратган Зевс ҳайкали (бўйи 14 метр) оламнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган.

Унинг Афина ҳайкали (бўйи 12 метр) Афина Акрополининг марказига қўйилган. Промахос (Афина жангчиси) ҳайкали (бўйи 9 метр) жангчи кийимини кийган, найза ушлаб турган аёл худо киёфасида тасвирланган бўлиб, у Афинанинг ҳарбий қудратини ифодалаган. Фидий Афина Акрополи қурилишида ҳам иштирок этган.

Пифагор Регийский «Оёғидан тиконни чиқараётган бола», Мирон «Дискабол» ва «Афина ва Марсий», Поликлет «Дорифора» ва «Яраланган Амазонка» каби ҳайкаллари яратганлар. Поликлет инсон танасининг мутаносиблиги ҳақида «Қанон» асарини ёзган.

Пракситель, Скопас, Лиссил қуйи классика давр намоян-

даларидир. Пракситель юнон ҳайкалтарошлигида биринчи бўлиб яланғоч аёл образи – «Афродита Книдская» ҳайкалини яратган. Пракситель ижоди учун дид, нозик гўзаллик хос бўлиб, улар «Мусаллас қуяётган сатир», «Эрот» ҳайкалларида айниқса ёрқин намоён бўлган.

Скопас Пракситель билан биргаликда Эфесдаги ибодатхона ва Галикарнасдаги Артемида мақбарасини бунёд этишда иштирок этганлар. Сарой рассоми Лиссип Александр Македонскийнинг ҳайкалини яратган. У инсоннинг ички дунёси, кечинмаларини ўз асарлари орқали намоён қилган. Бунга «Ором олаётган Гермес», «Шиппагини боғлаётган Гермес», «Эрот» асарлари мисол бўла олади.

Поэзия соҳасида Афина демократиясини қабул қила олмай, аристократия табақасини ўз асарларида улуғлаб куйлаган шоир Пиндар Олимпия ўйинлари ғолибларига атаб қасидалар, қўшиқлар ёзган. Қадимги Юнон маданиятидаги театр соҳасида трагедия, комедия жанрларининг пайдо бўлиши ва равнақи муҳим воқеа ҳисобланади.

Юнон театри қишлоқ хўжалиги ҳомийси бўлган Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган халқ қўшиқлари ва ўйинлари асосида вужудга келган. Дионис байрамлари тоқлар, дарахтлар барг чиқарган баҳорда ва кузда ўтказилган. «Трагедиялар отаси» Эсхил (525—458 йй) 90 дан ортиқ трагедия ёзган.

Эсхил ўз трагедияларида афсонавий воқеалардан фойдаланган бўлсада, уларда ўз даврининг муҳим масалалари

кенг ўрин тутган. Масалан, ҳалок бўлиб бораётган матриархат билан патриархат ўртасидаги зиддиятлар масаласига бағишланган «Орестея» трилогияси: «Агамемнон», «Хоэфорлар» ва «Авменида» асарларидан иборат. Унинг энг машҳур трагедиялари бўлса «Занжирбанд Прометей» ва «Форслар» дир. «Занжирбанд Прометей» асари инсоннинг куч-қудрати, иродаси буюклиги тимсолидир.

Жумладан, Зевс томонидан юборилган Гермесга Прометей қандай азоб-уқубатлар билан жазо берилишини эшитгач, шундай дейди:

Ва на қатл, ва на макр қилмас асло кор,
Айтмасман Зевсга ҳеч қандай сир-асрор,
Чақмоқ чақиб, майли ўтда куйдирсин.

Осмону фалакни оппоқ қуюндек,
ҳаммасини батамом-буткул қуритсин:

Аммо иродамни буколмас асло,
Жаҳаннам ўтини қилса ҳам пайдо.

Ким унинг ҳокимлигини этишин бекор,
Хомтама бўлмасин, айтмасман зинҳор.

Эсхилнинг «Форслар» трагедиясида Юнонистон – Эрон урушларида юнонларнинг қаҳрамонона кураши ва ғалабаси акс этган. Яна бир буюк трагедия шоирларидан бири Софокл (496—406йй) бўлиб, у 120 дан ортиқ трагедиялар ёзган. Улардан бизгача еттитаси етиб келган, холос. Афина театрида дастлаб қўйилган «Антигона», «Шоҳ Эдип» асарлари унга шон-шуҳрат келтирган.

Трагедия жанри билан биргаликда комедия⁷ жанри ҳам вужудга келиб, ривожланади. Комедия жанрининг отаси Аристофан (450—388 йй) бўлиб, унинг асарлари содда, тушунарли, халқ тилида ёзилган ва ҳаётнинг муҳим масалалари, жумладан, тинчлик муаммоси акс эттирилган. Жумладан, унинг «Тинчлик», «Аёллар халқ йиғинида», «Суворийлар» асарлари ўз даврида машхур бўлган.

Қадимги Юнон маданиятининг сўнгги даври бу Эллинизм (323—146йй.) дир. Бу даврда маданиятнинг баъзи соҳаларида, жумладан, фалсафада эришилган ютуқлар даражасидан пасайиш ҳолатлари юз беради. Бу даврда юнон маданиятининг бошқа мамлакатларга, жумладан, Ўрта Осиёга таъсири кучаяди. ҳатто бу жараён Юнонистоннинг Римга қарам бўлганидан кейин ҳам давом этади. Рим Юнонистонни сиёсий жиҳатдан тобе этади.

Фан соҳасида бу даврда етакчи ўринни математика эгаллайди. Унинг асосчилари Евклид ва Архимед каби олимларнинг ижоди туфайли математикадан механика, оптика, қурилиш соҳаларида фойдаланиладиган бўлинди. Астрономия, медицина ва география соҳаларида муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

Бу даврда архитектура соҳасида кўплаб ҳашаматли саройлар, кутубхоналар, гимназиялар, уй-жойлар қурилди. Жумладан, Александрияда 799 минг ўрамли китоблар турадиган кутубхона қурилган. Архитектор Состратнинг лойиҳаси асосида дунёнинг етти мўъжизасидан бири, 120 метр баланд-

ликдаги Александр маёғи барпо этилган.

Ҳайкалтарошлик соҳасида Эллинизм даврида баъзида йирик шакллардаги ҳайкаллар ҳам яратилган. Хусусан, Херос томонидан яратилган қуёш худоси Гелиос ҳайкали, ёхуд дунёнинг етти мўъжизасидан бири 36 метр баландликда бўлган Родос оролидаги Колосс Родосский ҳайкали бунга мисолдир (мазкур ҳайкал ер силкинишлари натижасида қулаб тушган). Ўша даврда яратилган Афродита (Венера), Милосская ва Ника Самосская ҳайкаллари ҳозиргача дунё маданиятининг ноёб дурдоналари ҳисобланади.

Қадимги Юнонистон маданияти жаҳон маданиятига катта таъсирини ўтказди ва ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Юнон маданиятисиз ҳозирги Европа маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек Шарқ дунёси ҳам Эллинизм маданиятисиз бошқачароқ кўринишга эга бўлган бўларди

Қадимги юнон назарияси. Гипподам

Юнонистон шаҳарсозлигида асосий уч давр мавжуд: архаика (мил. ав. VIII—VI асрлар); классика (мил. ав. V—IV асрлар) ва Эллинизм (мил. ав. IV—I асрлар). Полисларнинг майдони турлича бўлган. Масалан: Спарта 8400 км², Афина 2550 км² ҳудудни эгаллаган эди. Афина аҳолиси 300 минг кишини ташкил қилган, унинг учдан бир қисми қуллар эди.

Селенунт акрополи композициясида полихромия қўлланилган, тарҳида мунтазамлик мавжуд, шаҳарни Карфаген бир неча марта бузган. Пестум шаҳри, буюк Грецияда жойлашган, шаҳар ўртасида думалоқ бассейн бўлган.

Олимп муқаддасгоҳи Алтис дейилган. мил. ав. 776 йилда дастлабки олимпия ўйинлари ўтказилган, бу жойда асосий ибодатхона Зевсга бағишланган эди. Зевс саждагоҳида ёрқин олов ушлаб туришган, ибодатхона қаршисида «ехо» стоаси бўлган. кейинчалик акора пайдо бўлади, Алтис ёнида 40 минг ўринли стадион бўлган, яқинидаги Алфей дарёси ёқасида ипподром бўлган.

Алтис атрофида гимнасий, палестра булевтерий каби иморатлар бўлган, шаҳарнинг ўзи кичкина эди, Олимпия ўйинларига қуллар киргазилмаган, Алтис архаика даврида тузилган бўлсада, мунтазам эмас, балки эркин тархли қилиб

қурилган.

Мил. ав. VII—VI аср денгизчилик, савдо-сотиқ, аҳолининг ўсиши колонизация ривожига олиб келди, дастлабки колонизация маркази Эвбея ороли эди, кейин Коринф, Мегара ва Родос шаҳарлари колонияларини курдилар, баъзан колонияларнинг ўзлари ҳам ривожланиб, колония туздилар.

Милетликлар 80 колония (янги шаҳарлар) курдилар, шу жумладан Қора денгизда Истрия, Одесса, Олвия, Феодосия, Пантикапей, Диоскуриада шаҳарларини барпо этдилар. Янги шаҳар учун керакли шартлар қуйидагилар ҳисобланган: кема учун кўрфаз яқинлиги, тоза сув, унумли ер, муҳофаза учун рельеф қулайлиги, шамоллар тарзи, ёмғир сувларининг оқиши учун нишаблик ва бошқалар.

Милетлик Гипподам мил. ав. V асрда ижод этган меъмор ва математикдир. шаҳарсозликдаги мунтазамлилик мил. ав. VII—VI асрларда ҳам маълум эди. Этрусклар ва Финикияликлар ҳам уни ишлатганлар, лекин Гипподам уларни янгича функциялар ва эстетик мазмунда қўллаган. Арас-ту маълумотига кўра, Гипподам Пирей шаҳри қурилишида қатнашган, у Милетни қайта қурган (А. Геркан бўйича). иккала шаҳарда янги ва умумий хусусиятлардан бири шундан иборатки, уларда зоналар, савдо маркази, жамоат маркази ва икки даҳага ажратилган.

Пирейда Гипподам номли майдон икки бандаргоҳ орасида ташкил этилган, ғарброкда омборхона ва порт ҳудуди мавжуд, даҳалар шимоли-шарқда ва жануби-ғарбда жойла-

шган, Бошқа иккинчи умумий жиҳати асосий кўча жануби-ғарбдан шимоли-шарққа йўналганлигидан иборат, кварталларнинг нисбатлари Гипподамгача чўзинчоқ эди, кейин эса квадратга яқинлашди, Гипподамга иккиламчи кўчалар эни 3,5 м бўлган. Милетдаги асосий кўча – 7 м, Пирейда — 15 м эди демак, мавқеи муҳимроқ кўча эни 2 баробар энлироқ қилиб олинган.

Милет шаҳри маркази икки йўналишда ривожланган: биринчи йўналиш бўйича – гимнасий, стадион, парк жойлашган; иккинчи йўналиш бўйича – савдо ва жамоат марказлари (икки агора, ўртасида булевтерий, фуқаролар қасам ичишлари учун саждагоҳ ва яна гимнасий) жойлашган эди, тахмин бўйича шимолий кварталлар классик даврда қурилган бўлса, жанубийликларнинг қурилиши Эллинизм даврига тўғри келади. Милет катта шаҳар бўлган, аҳолиси 100 минг киши атрофида эди, бу ерда йирик олим ва файласуфлар ижод этган, Пифагор ҳам шу ерга яқин бўлган Самос оролида яшаган.

Бундай мунтазам тизимдаги шаҳарлар «очиқ» зийнатга (кўринишга) эга эди, қўрғон девор шаҳарни беркитиб қўймаган, унинг даҳаларини ҳам, марказини ҳам кенгайтириш ва ривожлантириш имконияти бор эди, шаҳарлар табиат билан боғланган бўлган.

Ривоятларга кўра, Зевс ернинг марказини билиш учун икки кабутарни учирган, учрашган жойини ернинг маркази сифатида белгиланган, махсус тош-омфал шу ерни, яъни ер кин-

диги – дельфани билдиради деб ҳисоблаган, дельфалилик коҳинлар қайси ерда, қандай ер ўзлаштириш кераклигини башорат қилишган.

Дельфадаги Апполон муқаддасгоҳи, икки тоғ орасида барпо бўлган, асосий кираверишда турли қабила (полис) ларнинг хазинахонаси, устунлар ва ҳайкаллар жойлашган, мазкур эгри йўлдан бош ибодатхонага борилган. Адитонида коҳин аёл сўровларга жавоб берарди, уни ёзиб шеър тарзида сўровчига етказилар эди, мажмуада театр ҳам бор бўлган.

Афина ёрқин шаҳарсозлик намунасидир, Пирейни режалаш учун Милетдан Гипподам чақиртирилади. Фемистокл (мил. ав. 525—460-й.) даврида деворлар, жумладан, узун деворлар қурилди, Афина денгиз иттифоқини тузишда бошчилик қилди, шаҳар Перикл (мил. ав. 443—429-й.) даврида ривож топди, халқ мажлисларида ҳар 20 ёшга тўлган эркин фуқаро қатнашган. Бу бутун аҳолининг 20% эди. Мажлис қатнашчилари 10 фил (раён) дан сайланган, 500 кишидан иборат кенгаш бўлган, Перикл даврида Афина ғарбдан-шарққа 1,5 км га чўзилган эди.

Тепаликлар икки кичиккина дарё оралиғида эди, шаҳар мил. ав. VI асрда қурилган акведикдан сув ичган, бош савдо ва жамоат агораси акропол билан дипилон дарвоза оралиғида эди. Агора атрофида баъзи маълумотларга кўра, чинорлар ўтказилган эди. Лимна, Мелите, Керамик каби даҳалари бўлган, турар жойлар ёғоч ва хом ғиштдан қурилар эди.

Акропол бир вақтлар қалъа ва ўрда вазифасини ўтаган,

узунлиги, тахминан, 300 м, эни 150 м. атрофидадир, ривож вақтида Афинада Геродот, Эсхил, Софокл, Эвпирид, Фидий, Иктин, Калликрат, Мнесикл каби алломалар ижод этган. Аввалги Гекотомпедон ибодатхонаси вайронага айланган эди, қайта қуриш вақтида Акрополда уч ғоя ўз ифодасини топди: 1 – Юнон оламида Афинанинг эътиборини эътироф этиш; 2 – Аттиканинг иқтисодий ва маданий тараққиётини акс эттириш; 3 – демократик тузумни ифода этиш.

Акрополда диний функция ватанпарварлик билан уйғунлашиб кетган, аввал, Афина Промехос ҳайкали қурилди, кейин – Парфенон ибодатхонаси, Пропиллея ҳамда Ника Аптерос ва Эрехтеён ибодатхоналари қад кўтарди. Парфенон ҳам олимпиядаги Зевс ҳамда Дельфадаги Апполон ибодатхоналари каби умумюнон ибодатхонаси бўлган, у ҳарбий ва фуқаролик шухрат ёдгорлиги каби кўринишга эга эди, унда архитектура ва ҳайкалтарошлик чамбарчас боғлиқдир.

Панафинея байрамлари тўрт йилда бир марта ўтказилган, маҳаллий Афинея байрами ҳар йили ўтказилган. Панафинея байрами эса олимпия ўйинлар каби қадимий бўлмай мил. ав. VI аср ўрталарида шаҳар мавқеини кўтариш мақсадида жорий этилган, июл ойининг охирида бир неча кун давом этган, иштирокчилар кечга яқин агорага йиғилган, байрам қўшиқ ва рақс билан бошланган, кейин байрам иштирокчилари Акропол томон юришган. орасида турли маросимлар ўтказилган.

Қуёш чиқиш вақтида тепаликнинг шарқига етилган, қу-

ёш Парфеноннинг селласига бир неча дақиқа кириб Хрисо-
ефантин ҳайкалини ярқиратган, кейин маросим тепалик-
нинг жанубий, Дионис театри ва Перикл одеонида (муסיқа
биносида) кўшиқ-рақс билан давом этган, куннинг иккин-
чи ярмисида пропиллея орқали Акрополга чиқилган, маро-
сим Парфеноннинг зофорида акс этилган, унда эътиборли
оиладан чиққан қизлар пеплос кўтаришган, улардан кейин
оқсоқоллар, бошқа шаҳар элчилари совға кўтариб ўз хизмат-
корлари билан атлетлар, руҳонийлар, қурбонликка ҳайвон-
лар етаклашган ҳолатлари тасвирланган, маросим қуёш йўли
билан ҳамоҳанг равишда ўтказилган.

Афлотун (мил. ав. 428—348 й.), Арасту (мил. ав. 384—
322 й.) полис (шаҳар-давлат) тузилишига оид изланишларга
яқин боришди, уларнинг қарашлари бир хил бўлмаган.

Афлотун зодагонлар билан боғлиқ эди, у баён этган хи-
кояда Атлантида давлатини подшо ва архонтлар бошқара-
ди, Аллотуннинг идеал шаҳар-давлат тўғрисида фикрлари
унинг «давлат» ва «қонунлар» китобларида берилган.

Шаҳар давлатда жамият – 3 табақага бўлинган: давлат бо-
шқарувини бажарадиган файласуфлар, муҳофаза қилувчи
навкарлар ва моддий бойлик яратувчи демпурглар (хунар-
манд, дехқон ва савдогарлар) булардан ташқари, қуллар бор,
улар Афлотун наздида «меҳнат қуrollари»дир.

Шаҳар-давлат аҳолисига 12 моли тенг гуруҳ (фил) га бў-
линади ва ҳар бири ўз жойига эга, улар 5040 ер бўлинмалар-
га ажралади, ҳар ер бўлмалари яна иккига бўлинади: бири

шаҳар четида, бири мамлакат четида жойлашган бош шаҳар ўртасида Акропол қурилади.

Бош шаҳар теварагида бир хилда тарқалган деҳқончилик ерларининг маркази бўлган 12 қасаба жойланади. шаҳар аҳолиси чамаси 3040 минг киши бўлиши керак. Аҳоли сони доимий бўлиши зарур, кўпайса янги давлат тузилиши зарурати туғилади, ҳоким Клисфен (мил. ав. 510— 509 й.) уруғ қабилага қараб шаҳарни – 4 филга бўлган.

Аттика 10 филга қайта тақсимланган, Аттикани 3 зонага ажратди (Афина, Месагея – ўрта аттика, паралиям – аттика чети) ҳар 10 фил ҳар уч зонада ўз ерига эга эди демак, Афлотун ғоялари ўтиб бўлинган йўл эди, шунга қарамай, уйғониш ва янги замон олимлари кўп маротаба унинг ғояларига мурожаат этишган.

Арасту фикрлари устозиникидан анча фарқ қилган. Афлотунда шаҳар ташқи дунёдан, айниқса, денгиз савдосидан ҳоли бўлиши керак, унинг тушунчаси бўйича, полис ўз ҳожатини ўзи чиқариши лозим, Арастуга кўра эса шаҳарнинг денгиз бўйида жойлашуви ривожнинг гаровидир.

Афлотун шаҳар режасида мунтазамлик ва уйларнинг бирхиллигини маъқул кўрган, Арасту бунини ортиқча қаттиқлик деб билади у шундай дейди: «бус-бутун шаҳарни тўғри режали қилиш яхши эмас, шаҳарнинг айрим қисмлари ва маҳалла (квартал) ларигина тўғри режали бўлиши лозим, шундай ҳолатгина шаҳарнинг мудофааси ва кўриниши учун маъбулдир» (сиёсат, VII, 10—11). Арасту бўйича, шаҳарнинг баъ-

зи майдонларини савдо ихтиёрига бериб, уларнинг атрофига базилика, корхона ва суд маҳкамаларини жойлаштириш зарур.


Бошқа – «покиза» майдонларда эса ибодатхона, гимнасий ва бошқа жамоат бинолари қуриш лозим, хуллас, Арасту шахри Афлотунникидан эркинроқ ва ҳаётийроқ эди, Арасту тасаввуридаги шаҳарда ўша вақтдаги (мил. ав. IV а.) Афинанинг баъзи хусусиятларини ҳам кўриш мумкин.

Арастунинг классик давридаги эстетик қарашларга якун ясаб, янги – Эллинизм санъатига асос бўлди, Арастунинг эстетик тушунчаларига кўра, гўзаллик мутаносиблик ва тартибдир; уйғунлик – бутуннинг ўз қисмлари билан боғлиқлигидир, бу боғлиқлик ўхшаш бўлган унсурлар нисбат орқали ифодаланади; ўлчов – бутуннинг бошланғич ва бўлинмас бирлигидир, бу қарашлар ўша вақтнинг бадий муаммоларини фалсафий умумлаштириш натижаси эди.

Шаҳарга оид фикрлар бошқа олимлар томонидан ҳам илгари сурилган, Гиппократ (мил. ав. 460—377 й.) ҳаким (табиб) бўлиб, «ҳаво, сув, жой» деган рисола битган, Фукидид (мил. ав. 460—400 й.) тарихчи эди, у умуман шаҳарлар тарихига ва Афина тарихига оид асарлар ёзган эди.



Антик ёдгорликлар. Қадимги Юнонистон меъморчилиги




Қадимги Милет шаҳри



Қадимги Афина шаҳри ёдгорликлари



Қадимги Афина шаҳри ёдгорликлари



Эллинизм даври назарияси. Афлотун

Арасту фикрлари устозиникидан анча фарқ қилган. Афлотунда шаҳар ташқи дунёдан, айниқса, денгиз савдосидан ҳоли бўлиши керак, унинг тушунчаси бўйича, полис ўз ҳожатини ўзи чиқариши лозим. Арастуга кўра эса шаҳарнинг денгиз бўйида жойлашуви ривожнинг гаровидир.

Афлотун шаҳар режасида мунтазамлик ва уйларнинг бирхиллигини маъқул кўрган Арасту бунини ортиқча қаттиқлик деб билади у шундай дейди: «бус-бутун шаҳарни тўғри режалар қилиш яхши эмас, шаҳарнинг айрим қисмлари ва маҳалла (квартал) ларигина тўғри режалар бўлиши лозим.

Шундай ҳолатгина шаҳарнинг мудофааси ва кўриниши учун маъбулдир» (сиёсат, VII, 10—11). Арасту бўйича, шаҳарнинг баъзи майдонларини савдо ихтиёрига бериб, уларнинг атрофига базилика, корхона ва суд маҳкамаларини жойлаштириш зарур бошқа — «покиза» майдонларда эса ибодатхона, гимназий ва бошқа жамоат бинолари қуриш лозим, ҳуллас, Арасту шаҳри Афлотунникидан эркинроқ ва ҳаётийроқ эди. Арасту тасаввуридаги шаҳарда ўша вақтдаги (мил. ав. IV а.) Афинанинг баъзи хусусиятларини ҳам кўриш мумкин.

Арастунинг классик давридаги эстетик қарашларга яқун

ясаб, янги – Эллинаизм санъатига асос бўлди. Арастуниг эстетик тушунчаларига кўра, гўзаллик мутаносиблик ва тартибдир; уйғунлик – бутуннинг ўз қисмлари билан боғлиқлигидир, бу боғлиқлик ўхшаш бўлган унсурлар нисбат орқали ифодаланади; ўлчов – бутуннинг бошланғич ва бўлинмас бирлигидир бу қарашлар ўша вақтнинг бадий муаммоларини фалсафий умумлаштириш натижаси эди.

Шаҳарга оид фикрлар бошқа олимлар томонидан ҳам илгари сурилган. Гиппократ (мил. ав. 460—377 й.) ҳаким (табиб) бўлиб, «ҳаво, сув, жой» деган рисола битган. Фукидид (мил. ав. 460—400 й.) тарихчи эди, у умуман шаҳарлар тарихига ва Афина тарихига оид асарлар ёзган эди.

Эллинаизм давридаги шаҳарлар назарияси.

Эллинаизм маданияти Юнон маданиятининг ташқи ривожига ҳисобланади. Искандар Мақдуний қурилиш учун маблағ ажратган биринчи шаҳар – Приена, у Милетни қамал қилганда, бу шаҳарда турган эди.

Приена деярлик бир вақтда, мил. ав. IV аср ўртасида қурилган. Унда янги, Эллинаизм шаҳарсозлик хусусиятлари мавжуд. Бошқа шаҳарлар ўз ҳаёти давомида бир неча қайта тузилади, Приена эса шундайлигича қолган шаҳарга сув тоғдан қувурлар орқали келтирилган. Приена ривожланиши учун захира жойга эга.

Маркази – катта асосий кўча-ғарбий дарвоза кўчаси бўлиб, унинг эни 7,36 м; 2-даражали кўчалар эни 3—4, 4 м бўлган кварталларнинг нисбатлари 3:4 (35,4х47,2 м). Агора

тилла нисбатда (олтин кесма) да курилган, бошқа жойларда ҳам бу нисбат ишлатилган, уйлар асосан 2 хилда: кичик ва каттарок, баъзан уй орқасида боғ бўлган.

Жамоат марказлари 3 сатҳда жойлашган. 1 – пастдаги марказ; қуйи гимназий ва стадиондан (Меандра дарёсидан 30 м баландликдан) иборат. 2 – ўртадаги марказ; биринчисидан 43 м юқоридаги асосий жамоат маркази ва саждагоҳи; улардан шимолда муқаддас стоа, экклесиастерий, пританейдан ташкил топган. 3 – юқоридаги марказ; дарёдан 90 м баландликда бўлиб, ундаги ибодатхонани архитектор Пифей курилганлиги тўғрисида пронаосда ёзилган битик мавжуд.

Ибодатхона Агорадан пастда, бурчакда курилган, яна юқорида юқори гимназий, Акропол бўлган яна юқоридаги сатҳ ибодатхонасиз эди ва ундан кузатиш майдони сифатида фойдаланилган. Приенанинг шаҳарсозлик аҳамияти шундан иборатки, у мунтазам режада курилган, турли баландликдаги биноларни мажмуа (ансамбллар) га, боғлаган.

Миср Искандаргача форслар қўлида бўлди. Жаҳонда 70 дан ортиқ Искандариялар бор. Энг йириги Миср Искандарияси (мил. ав. 331-йилда барпо бўлган) эди. Фарос оролида қадимиятнинг етти мўжизаларидан бири маёқ (мил. ав. III аср) курилган бўлиб, унинг баландлиги 150 м эди. Шаҳарни архитектор Дейнокиат режалаган эди кутубхона Мусеён номли бинода жойлашган эди. Ўртада форум бўлган боғлар барпо этилган эди. Панеён паркининг ўртасидаги сунъий тепалигида ибодатхона бўлган. Асосий кўчанинг эни 30 м бў-

либ, колоннадаси бор эди. Шаҳарнинг узунлиги 7 км бўлган сўнгги Эллинизм даврида Искандария Рим билан аҳолиси бўйича деярлик тенг эди.

Искандар Ўрта Осиёдан кейин Ҳиндистонга юриш қилган, вафотидан сўнг империя Македония, Птоломейлар, Салавкийлар, Юнон-бактра ва Пергам подшолигига ажралди. Птоломей ҳам 75 та янги шаҳар қурган. Энг йириги Птоломаида (Мисрда, Искандариядан кейин 2-ўринда) эди. Птоломей, асосан, Мисрни эгаллаган эди. Искандардан кейинги даврларда давлатларнинг энг каттаси Салавкийлар давлати бўлган у ўрта Ер денгизидан Ҳиндистонгача тузилган эди.

Дура-Европос шаҳрининг аҳолиси юнон, македонлар бўлишган. фронт дарёсининг лабида эди. Шаҳарнинг йўналиши диагонал бўйича бўлиб, аввалги йўналиш анъанасини такрорлайди. 3 дарвозаси бўлган, қалъаси шимоли-шарқда жойлашган эди. Кварталларнинг томонлари 70,5x35,2 м ўлчамларга эга бўлган. Дамашқда ҳам кварталлар томонларининг нисбатлари 1:2 бўлган.

Пергам шаҳри мил. ав. III асрда Атталла даврида жуда ривожланди унинг тархида мунтазамлик йўқ. Икки – юқори ва қуйи агораси мавжуд. Гимназий уч сатҳда, ўрта баландликда, тепада акропол жойлашган асосий йўл жанубий дарвозадан бошланади ва Акрополга олиб боради Акрополда Троянон, Алина ибодатхоналари, кутубхона, сарой бўлган акрополдаги кутубхона катталиги жиҳатидан Искандарияникидан катта эди. Иьсргамда акропол бир-бири билан

боғлиқ бўлган елпиғичсимон ансамбллардан иборат паст-баландлиги уларни бирлаштирди Акрополнинг ғарбий тарзи 27 км наридаги денгиздан яхши кўринган. Рим даврида қурилган троян ибодатхонаси мувозанатни бузди. Пергам юнон шаҳарсозлигининг юксак намунасидир.

Ассос шаҳри Пергамдан шимолда жойлашган. Акрополи бешинчи террасадан ўрин олган. узунлиги 120 м эди, ғарбда ибодатхона, шарқда булевтарий қурилган эди. Ибодатхонани савдо майдонида жойлашиши Эллинизм шаҳарсозлигида янгилик бўлган, майдоннинг қисқа томонидан жойлашиши ҳам Рим республикасига оид усулдир.

Эллинизм шаҳарсозлигининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- майдонларни бадиян ташкил этиш (устунлар қатори, портик перистел ва бошқалардан ишлаб чиқилди);
- турли сатҳлардаги ансамбллар тузиш муаммолари ҳал этилди;
- ободонлаштириш юқори даражада кўтарилди (шу билан бирга бой ва камбағалларнинг уйлари орасида кескин фарқ бўлган);

Миср Эллинизми. Эрамиздан аввалги 332 йилда Македониялик Искандар армияси Мисрга кириб келди. Эрон ҳукмдорлигидан азоб чеккан Мисрликлар Искандар қўшинларига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмадилар аксинча, Миср коҳинлари Искандарни қўллаб-қувватладилар ва уни Амоннинг меҳрибон фарзанди Ре деб эълон қилдилар. Искандар

Мисрнинг Нил дельтасида янги шаҳар барпо этди унинг номи Александрия деб аталган.

Бу шаҳар мунтазам режага эга билган IV асрнинг охирида Александрия Юнон шарқ дунёсининг энг йирик савдо ва маданият марказларидан бирига айланди. Катта қурилиш Мисрда Искандар вафотидан сўнг унинг ворислари Македонияликлар сулолаларининг шоҳлари Птолмейлар вақтида олиб борилди истило этилган ерларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Птолмейлар Миср ҳудодларини ҳурматлаганлар ва улар шарафи учун ибодатхоналар қурдирганлар.

Ибодатхоналар архитектурасида эса қадимги санъат анъаналарини қайта тиклаганлар. Миср Эллинизми даври архитектурасининг энг ёрқин намунаси бу Эдфудаги Гора ибодатхонасидир, унинг барча хоналари пилон, очик ҳовли, кириш ва гипостиль заллари, муқаддас ва сиғиниш хоналари худди янги подшолик ибодатхоналаридаги каби симметрик равишда бир чизикқа жойлашган.

Эрамиздан аввалги 122 йилда Птолемей IX гипостиль зал олдида катта 18 устунли, деворлари рельефлар билан безати-лган кириш зали қурдирган. Ўз навбатида унинг ворислари: Птолемей X, XI ва XII лар ибодатхона атрофини ташқи девор билан ўраб, кириш зали олдида очик ҳовли ва пилон яратганлар, натижада очик ҳовли деворлари билан ибодатхона деворлари орасида бемалол ҳаракат қилиш мумкин билган йўлак вужудга келган.

Бошқача қилиб айтганда Гора ибодатхонаси гўё атрофи

девор билан ўралган очик ҳовли ичида шакллангандек туюлади, шубҳасиз, бундай эркин ва аниқ композицион ечим Миср Эллинизмининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Дарҳақиқат ҳовлининг олдидаги пилон жуда салмоқлидир унинг баландлиги 35 метр, эни эса 76 метрга тенг маълумки, янги подшолик вақтиданок пилонларнинг сиртларини рельефли композициялар билан тўлдириш одат эди.

Эллинизм даврида бу рельефлар янада каттароқ маъно кашф этади. Эллинизмдаги барча рельефлар изларининг ана шу хусусиятлари билан ажралиб туради. Эдфудаги Гора ибодатхонаси композицияларидаги мавжуд бўлган бу нафислик бизни завқлантиради. Эдфудаги Гора ибодатхонасининг Миср Эллинизмида машҳурлиги бежиз эмас, албатта, у кўпроқ тўсиқ деворнинг ички сиртига битилган муҳим ёзуви билан танилган.

Миср Эллинизми санъатда ҳақиқатан ҳам эски шакллари янгича талқин эта олган моҳир архитекторлари билан характерланади. Буни Дендердаги Гатор ибодатхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ибодатхонанинг деворларига ўйилган ёзувларга қараганда, Гаторга асос қилиб, хуфу эҳроми олинган.

Ибодатхонанинг қурилиш вақти узок олиб борилган бўлса ҳам Шамунда ҳовли билан пилон қурилмай қолган, кириш залида 24 та устун бор, устунларнинг муқарнаслари худо-сигирнинг боши Гатор шаклида тасвирланган. Гатор бошли капителлар янги подшолик даврида ҳам Дейр-ель-Баҳрида ма-

лика Хатшепсутнинг ибодатхонасидаги устунларда мавжуд бўлган, унда Гатор боши капителнинг икки қарама – қарши томонига ўйиб ишланган эди.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.